O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 31 март, № 62 (3607) Пайшанба



Бектемир туманида жойлашган «Агрокерамика» қўшма корхонаси пойтахтимиздаги иқтисодий жиҳатдан бақувват корхоналар сирасига киради. Ташкил этилганига эндигина уч йил бўлаётганига қарамай унинг маҳсулотлари юртимиздан ошиб, хориж бозорларигача етди.

ИСТИҚБОЛЛИ КОРХОНА

Бир вақтлар хорижий давлатлардан келтирилган сопол плиталардан қурилишда фойдаланиш удум бўлганди. Ўзбекистон — Италия қўшма корхонаси ишга тушгач эса, ушбу турдаги маҳсулотларни четдан келтиришга эҳтиёж қолмади. Энг асосийси, сифати жиҳатидан хориждаги турдош корхоналар маҳсулотлари билан беллаша оладиган ушбу плиталар ғоят харидоргир бўлмоқда.

СУРАТЛАРДА: оператор Дониёр Нуриддинов; уста Ўктам Аҳмедов, бош муҳандис Владимир Баев ва корхона раҳбари Темур Аҳмедов тайёр маҳсулотни кўздан кечиришмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Кенгашининг навбатдаги мажлиси тўғрисида

АХБОРОТ

2005 йил 30 март куни Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШҲТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди. Унда Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси вакиллари иштирок этди.

Кенгаш ШҲТ ҳудудидаги вазиятни кўриб чиқиб, терроризм, айирмачилик ва экстремизм ШҲТга аъзо давлатларнинг барқарорлиги ва хавфсизлигига ҳамон жиддий таҳдид солиб турганини қайд этди.

Кенгашда ШҲТга аъзо давлатларнинг аксилтеррор салоҳиятини янада юксалтиришга, терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада кучайтиришга оид умумий интилиш мавжудлиги алоҳида таъкидланди.

ШҲТ МАТТ Ижроия қўмитаси директори В.Қосимовнинг Кенгаш қарорларининг ижроси тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Кенгаш ШҲТ МАТТнинг жорий фаолиятига ҳамда терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши курашда ШҲТга аъзо давлатлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини шакллантиришни давом эттиришга оид масалалар бўйича қатор қарорлар қабул қилди.

ШҲТ МАТТ Кенгашининг навбатдаги мажлисини 2005 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида Тошкентда ўтказишга келишиб олинди.

Кенгаш мажлиси амалий ҳамкорлик ва ишчанлик руҳида ўтди.

(ЎзА).

«Ташаббус — 2005»

ИЛҒОРЛАР ТОШКЕНТДА УЧРАШАДИ

ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Бадиий академияси марказий кўргазмалар залида Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус — 2005" кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичи якунланди.

Ҳозир пойтахтимизда йигирма мингдан зиёд кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатяпти. Шаҳарда ишлаб чиқарилаётган ялпи ички маҳсулотнинг салмоқли қисми уларнинг ҳиссасига тўғри келади.

Кўрикда полиграфия ва канцелярия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Офис трейдинг" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ҳусан Мамасаидов "Энг илғор тадбиркор" номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди. Лок-бўёқ ишлаб чиқарувчи "Ист-Колор" МЧЖ раҳбари Геннадий Газиев иккинчи, тиббий асбоб-ускуналар тайёрлайдиган "Супрамед" илмий ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Собир Убайдуллаев учинчи ўринга лойиқ топилди.

Рассом-миниатюрачи Жамшиддин Саидалиев "Энг илғор ҳунарманд" йўналишида ғолиб чиқди. Ёғоч ўймакори Муҳсин Дадамуҳамедов ҳамда бадиий металл қуйиш устаси Владимир Пилипюкка иккинчи ва учинчи ўринлар насиб қилди.

САМАРҚАНД

Кўрик-танлов ишбилармонликнинг янги-янги қирраларини, ўз касбига меҳр қўйган ажойиб инсонларни кашф этмоқда. Кўрик-танловнинг Самарқанд вилояти босқичида ҳам шундай бўлди. Унда иштирок этган 45 нафар ҳунарманд, фермер ва тадбиркор маҳаллий шароитда ўзлари ишлаб чиқарган экспортбоп ёки шу даражадаги маҳсулотларини намойиш этишди.

Танловнинг «Энг яхши ҳунарманд» номинацияси бўйича ғолиблик Ургут туманидан Нўъмон Облоқуловга насиб этди. Пастдарғомлик фермер Убайдулла Пардаев «Энг яхши фермер» сифатида эътироф этилди. Самарқанд туманидаги «Отабек» масъулияти чекланган жамиятининг раиси Раҳматжон Эгамбердиевга «Энг яхши тадбиркор» деган ном насиб этди.

Кўрик-танлов ғолиблари билан бир қаторда учала йўналиш бўйича иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган ишбилармонларга ҳамда танловда фаол қатнашганларга ҳам эсдалик ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Биринчи ўринга мушарраф бўлганлар кўрик-танловнинг республика босқичида қатнашади.

СИРДАРЁ

Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган анъанавий "Ташаббус" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичида ўттиз нафар тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этди.

"Энг илғор тадбиркор" номинациясида Сирдарё туманидаги "АгроПринт" масъулияти чекланган жамият раҳбари Олим Нишонов, "Энг илғор фермер" эса Боёвут туманидаги "Мулло Холиқул бобо" фермер хўжалиги раиси Қобилжон Раҳмонқулов ҳамда "Энг илғор ҳунарманд" сифатида гулистонлик Ўктамжон Шодмонқулов бош соврини қўлга киритди.

ҚАШҚАДАРЁ

Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги театр фойесида ташкил этилган кўргазмада вилоят тадбиркорлари, ҳунармандлари ва фермерларнинг энг яхши маҳсулотлари намойиш этилди. Кўрик-танловда халқ ҳунармандчилиги намуналари, деҳқон ва чорвадор меҳнатининг самараси бўлган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифати ва хилма-хиллиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус — 2005» кўрик-танловининг республика босқичида «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши ҳунарманд» йўналишлари бўйича ғолиб чиққан Косон туманидаги «Фарангиз — Дилшод» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Неъматилла Ҳалимов, Ғузор туманидаги «Бурҳон» фермер хўжалиги раиси Бўри Қораев, касбилик ўймакор уста Зубайдулла Сатторов йўлланма олишди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари.

Бугун Тошкентда «Ташаббус — 2005» кўрик-танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири В.НИКОЛАЕВ).

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси радиочастоталар бўйича Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Радиочастоталар бўйича комиссия мажлиси

Радиочастота спектридан самарали фойдаланиш, жумладан, маълумот узатиш тармоқлари симсиз радио тизимларини ташкил этиш учун частота йўллари ажратиш, фойдаланиш учун мўлжалланган радиоускуналарни республика ҳудудига сотиш мақсадида олиб киришга оид масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг Халқаро электралоқа иттифоқи (ХЭИ) Радиоалоқа бюроси фаолиятида иштироки бўйича тайёргарлик кўрувчи комиссиянинг рақамли узатишни батафсил режалаштириш учун бирламчи маълумотларни тайёрлаш борасидаги ишлари маъқулланди.

Радиомониторингни кенгайтириш ва мазкур тармоққа радиочастота органлари уланишини таъминлаш бўйича ишларнинг бажарилиши муҳокама қилинди. Ҳаво ва сув транспорти ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, ердан фойдаланиш ишлари, ер кадастрларини тузиш, қуруқлик транспорти ҳаракатини назорат қилиш ҳамда геодезия, картография, қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш учун қўлланадиган глобал навигация йўлдош тизимлари тўғрисидаги ахборот тингланди. Радиочастота органларига республикада мазкур тизимлардан фойдаланиш юзасидан аниқ таклифлар киритиш ҳақида топшириқлар берилди.

Мажлисда тегишли вазирликларга давлат тадбирларини ўтказишда радиочастота органларининг ҳамкорликда ишлашига доир низомни ишлаб чиқиш топширилди.

Радиочастота спектридан фойдаланиш ва давлат томонидан тартибга солишни янада такомиллаштиришга оид бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

29-30 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик палатасининг Спикери Эркин Халилов олиб борди.

Депутатлар даставвал, қуйи палата Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Сўнгра унга мувофиқ, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси А. Аҳадов "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси А. Турсунов "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги ҳамда Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини тақдим этдилар. Ушбу ҳужжатлар муҳокамасида депутатлардан Э. Юсупов, Ф. Ҳотамов, Б. Дадабоев, М. Усмонов, О. Исаев, З. Убайдуллаев, А. Рустамов, А. Шодмонов, А. Зиё, С. Абдуллаев, Ф. Солиев, Б. Соатов ўз таклифлари билан иштирок этдилар. Муҳокама чоғида киритилган таклифлар, билдирилган фикрлар ҳисобга олинган ҳолда ушбу қонунлар лойиҳалари овозга қўйилди. Депутатлар томонидан мазкур ҳужжатлар қабул қилинди.

Шундан сўнг Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2004 йилдаги фаолияти ҳақида Омбудсман С. Рашидова ахборот берди. Мунозара жараёнида билдирилган таклифлар, фикр-мулоҳазалардан кейин парламент қуйи палатаси омбудсманнинг ушбу ҳисоботини маъқуллади. Ташқи ишлар вазирлиги бошқармаси бошлиғи Қ. Юсупов эса, бир томондан Ўзбекистон Республикаси, иккинчи томондан Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳақида депутатларга ахборот берди.

Шунингдек, мажлисда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М. Тешабоев "Чехия Республикаси, Эстония Республикаси, Кипр Республикаси, Венгрия Республикаси, Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Мальта Республикаси, Польша Республикаси, Словения Республикаси ва Словакия Республикасининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга Баённомани (Брюссель, 2004 йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Билдирилган таклифлардан сўнг Қонунчилик палатаси ушбу қонунни қабул қилди.

Мажлисда Қонунчилик палатаси ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда Оқсаройда Вазирлар Маҳкамасининг янги тайинланган таркиби иштирокидаги кенгашда сўзлаган нутқида прокуратура органлари назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътиборни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, жумладан, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясига қаратиши зарурлигини алоҳида таъкидлади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтган "Инсон ҳуқуқларининг ҳимояси — прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналиши" мавзуидаги илмий-амалий семинар Президентимиз томонидан қўйилган ана шу вазифаларнинг ижросини таъминлаш масалаларига бағишланди.

Бош прокуратура Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, ҳуқуқшунос олимлар, шунингдек, нодавлат нотижорат ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

"Прокуратура тўғрисида"ги янги таҳрирдаги қонунга мувофиқ, прокуратура органлари ходимларининг масъулияти ва жавобгарлиги янада оширилди. Эндиликда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатлари ҳимояси улар фаолиятини баҳолашнинг муҳим мезонига айланди.

Йиғилишда прокурорлик назорати самарадорлигини ошириш, прокуратура идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоатчилик, оммавий ахборот воситаларининг ҳамкорлигини янада кенгайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Анжуманда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова иштирок этди.

Беҳзод НОРБОЕВ, ЎзА мухбири.

Жойлардан хабарлар

Талабалар стипендияни ишхонадан оляпти

«Андижон-кабель» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасидаги ишчиларнинг асосий қисми ўз билим ва касб кўникмаларини Хоноободдаги компьютер технологияси касб-ҳунар коллежида олишган. Ака ва опалари изидан бораётган коллеж ёшлари ҳам ҳадемай ўз тақдирини корхона билан боғлайдилар. Ҳар жиҳатдан етук мутахассисларнинг ишга келиши ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишидан ташқари, маҳсулот сифатининг кескин яхшиланишига ҳам имкон яратмоқда. Корхона маъмурияти шуларни ҳисобга олиб, битирувчи курсларда таҳсил олаётган ёшларнинг ҳар бирига ойига 35 минг сўмдан стипендия бера бошлади.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Чин Лочин чарчамайди

Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги қайси кўригу танловда қатнашган бўлсин, ҳамиша ғолиб келган.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Бир қатор нодавлат ташкилотлар уюштирган «2004 йилнинг меҳр-мурувват соҳиби» танловига таклиф этилган «Лочин»ликлар бу борада ҳам бошқалардан кўп ва хўп юмушларни амалга оширганликларини намойиш этдилар.

Эслатиб ўтамиз: Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев бошлиқ фермер хўжалиги Хитоян қишлоғида фаолият юритади. Ҳам деҳқончилик, ҳам чорвачилик, мухими, ободончилигу бунёдкорлик ишлари билан шуғулланади. Ўз кучи билан мактаб, спорт мажмуи, шифо маскани қурган. «Лочин» саховатидан атроф қишлоқдагилар ҳам миннатдор.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Соҳибқирон таваллуди олдидан

Яқинда Халқаро Амир Темур жамғармаси ЮНЕСКО ишлари бўйича республика Миллий комиссияси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Фарғона вилояти ҳокимлиги ва Фарғона давлат университети билан ҳамкорликда Соҳибқирон Амир Темур таваллуди олдидан «Амир Темур, темурийлар даврида фан ва маданият» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказди.

Анжуманда сўзга чиққан Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али ўз маърузасида Амир Темур қаламига мансуб, олти юз йил аввал ёзилган «Темур тузуклари» китоби тарихимизнинг ноёб дурдонаси эканлигини таъкидлади. Тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедов Амир Темур даврини ёритган муҳим солнома асарларнинг ёзилиш тарихи ҳақида сўзлади. Тарих фанлари доктори Убайдулла Уватовнинг Соҳибқирон салтанатида фаолият юритган алломалар тўғрисидаги маърузаси ҳам эътибор билан тингланди.

Ўз мухбиримиз.

«Тойота — Самарқанд: «Бизни камалак бирлаштирди»

Самарқанддаги Ўзбекистон маданияти ва тарихи музейида шу номли Япония болалари ижодиёти кўргазмаси очилди.

Унда Тойота шаҳри ёш ижодкорларининг 122 та, Йокагама шаҳридаги «Касама» болалар боғчаси тарбияланувчиларининг 23 та ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Уларда Японияннинг гўзал манзаралари билан бирга умуминсоний қадриятлар, тинчликни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммолари, соғлом турмуш тарзи мавзулари болалар қарашларида акс эттирилган.

Бир қатор ишлар Ўзбекистонимизнинг бугунги кунига бағишланган.

— Навбатдаги кўргазма Тойота шаҳрида бўлиб ўтиши кутилмоқда, — дейди кўргазманинг очилиш маросимида иштирок этган Японияннинг Тойота шаҳри «Эсперанто» клуби делегацияси раҳбари Хумико Куронаяги хоним. — Мақсадимиз болалар ижодиёти баҳона Самарқанд ва Тойота дўстлик ва ҳамкорлигини янада ривожлантиришдир.

Тадбир давомида Хумико Куронаяги хоним Тойота шаҳри мэри Кохеси Сузуки жанобларининг қалб сўзлари битилган шахсий номаларини дўстлик рамзи сифатида музейга топширди.

А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугуннинг гапи

СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ

яратилса, бозорда монополияга ўрин қолмаслиги аниқ

IV. Давлат реестри

У нима? Буни юритишнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

Давлат реестри, одатда, монополист корхоналар томонидан товар бозорида инсофсиз рақобатни юзага келтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини асоссиз қисқартириш, маҳсулот (хизмат)лар нархларини ноқонуний ошириш (пасайтириш), уларнинг сифат даражасини тушириб юбориши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш учун юритилади. Товар бозорларида устун мавқега эга, яъни ҳар бир сотилган маҳсулот тури бўйича муайян товар бозоридаги улуши 65 фоиздан юқори бўлган корхоналар эса Давлат реестрига киритилади.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектларнинг бозордаги улуши 35 фоиздан 65 фоизгача бўлса ҳам, монополияга қарши давлат органи томонидан Давлат реестрига олиниши мумкин. Бунда уларнинг бозордаги муайян ҳиссаси барқарорлиги, рақобатчиларга тегишли улушларнинг нисбий миқдори ва бозорга янги рақобатчилар киришининг мумкинлиги ҳамда бошқа омиллар ўрганиб чиқилади.

Давлат реестрига киритилган хўжалик субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари ва кўрсатадиган хизматларига оид барча маълумотларни Молия вазирлигига, жойларда эса маҳаллий товар бозорлари бўйича вилоят молия бошқармаларига тақдим қилишлари шарт. Шундан кейин ушбу органлар томонидан нархлар декларация қилинади. Назоратни эса Қўмита ва унинг худудий бошқармалари амалга оширади.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан монополист корхоналар Давлат реестрида 42 та хўжалик юритувчи субъект 32 турдаги товар ва хизматлар бўйича ҳисобга олинган. Товар бозорларида ўтказилган таҳлиллар натижасида уларнинг 14 таси 27 та товар тури ва хизматлар бўйича Давлат реестридан чиқарилди. «Махсусэнергогаз» очиқ турдаги акциядорлик жамияти ва «Автогаз» акциядорлик компанияси шулар сирасига киради. Айни чоғда Давлат реестридан чиқиш учун ариза берган 13 та хўжалик субъектининг 5 тасига, жумладан, «Тошкент шаҳар электр тармоқлари» очиқ турдаги акциядорлик жамияти, Қўйлиқдаги кўприклар темир-бетон қурилмалари тажриба заводи, «Вақт» миллий депозитарийсига рад жавоби берилди. Сабаби — бу корхоналарда «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонун талабларига тўлиқ риоя этилмаган.

Шу ўринда табиий савол туғилиши мумкин: Давлат реестрига киритилган корхоналар истиқболи нима бўлади? Агар уларда барча соҳаларда монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини яратишга эришилса, ҳар бири Давлат реестридан чиқарилиши мумкин. Ўтган йил якунлари бунинг далилидир.

V. Замон талаб этган вазифалар

Албатта, монополияга қарши қонунчиликни ҳаётга татбиқ этиш тажрибаси, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ривожлантириш, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув жараёни, жумладан, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг дунё бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш зарурлиги монополияга қарши курашувчи органлар олдига бир қатор янги вазифаларни қўйдики, бу уларни ана шу замон талабларига мос равишда ҳаракат қўламини янада кенгайтиришга ундамоқда. Биз нималарни назарда тутаяпмиз? Келинг, мисолларга мурожаат этайлик.

А. «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектнинг рақобатни чеклайдиган ва бошқа корхонанинг манфаатини камситадиган ҳаракатлари тақиқланади. Бошқарма ходимлари томонидан «Ўзқишлоқмаш» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида текширув ўтказилганда, бу ерда ушбу модда талаблари бузилгани аниқланди. Яъни, икки томонлама тузилган шартномада корхона маҳсулотни харидорга ўз вақтида етказиб бермаган тақдирда кунига унинг умумий суммасининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлаши белгиланган. Бироқ пулини ўз вақтида узмаган харидор эса корхонага маҳсулот нархининг 15 фоизи миқдорида жарима, устига устак, кунига 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлаши кўрсатилган. Бундай ачинарли ҳолат «Фарҳод бозори», «Сувмаш» акциядорлик жамиятлари, «Мерседес бенц» ва «Спектр» қўшма корхоналарида ҳам кузатилди. Шу боис мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган шартномалари бекор қилинди.

Б. «АЖСК» суғурта компанияси фаолияти текширилганда эса, унга темир йўлда йўловчиларни суғурта қилиш бўйича ягона ҳуқуқ берилгани маълум бўлди. Аслида бу Қонуннинг 8-моддасига зиддир. Негаки, йўловчиларни бошқа суғурта компанияларида суғурта қилинишидан маҳрум этиш, айни чоғда ўзга суғурта компанияларининг ушбу бозорга киришига тўсқинлик қилиш мумкин эмас. Натижада бошқарманинг кўрсатмасига биноан, «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси ўз қарорини бекор қилгандан кейин суғурта бозорида соғлом рақобат муҳити яратилди.

В. 2003 йилда Тошкентдаги марказлашган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган 12 та объект қурилишида ишлатилган бинокорлик материаллари таҳлил қилинганда, уларнинг асосий қисми четдан келтирилгани аниқланган эди. Бултур эса уларда бу борада ўзгариш бўлгани аён бўлди: четдан харид қилинган қурилиш материаллари атиги 8,1 фоизни, республикамиз корхоналарида ишлаб чиқарилган бинокорлик ашёлари эса 91,9 фоизни ташкил этди.

Г. Бошқарманинг аралашуви натижасида саноат соҳасида маҳаллийлаштириш дастурининг ижросида ҳам ижобий силжишлар бўлгани кузатилди. Жумладан, 2004 йилда бу дастурга 53 та корхона жалб этилиб, уларда 47339,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, 767 та янги иш ўрни яратилди.

Д. Минтақавий дастурга мувофиқ, шунингдек, якунланган йилда пойтахтда хорижий инвесторлар сармоялари иштирокида 4 та қўшма корхонани ишга тушириш мўлжалланган эди. Бу корхоналарнинг учтаси фойдаланишга топширилди. Биттасини эса рўйхатга олиш учун таъсис ҳужжатлари тайёрланиб, ускуналарни келтириш юзасидан шартномалар тузилмоқда.

VI. Танқиддан хулоса чиқариб

Биз қайд этган далиллар, афсуски, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва унинг Тошкент шаҳар бошқармасида ҳамма ишлар жойида, дейишга асос бўла олмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил якунларига бағишланган мажлисида монополиядан чиқариш органлари эркинлаштириш, рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш жараёнларида ўзининг муносиб ўрнини топа олмагани, айниқса, савдо, хизматлар ва соғлиқни сақлаш соҳаларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш борасидаги ишлар етарли эмаслиги танқид қилингани шундан далолат беради.

— Қўмитанинг кенгайтирилган ҳайъати йиғилишида ҳукумат мажлисида билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, комплекс чора-тадбирлар дастурини қабул қилдик, — деди пировардида Мирсаид Мирмаҳмудов. — Янги дастурда, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун рақобат муҳитини яратиш, молия бозорида монополиядан чиқаришга оид қонунчиликнинг таъсир доирасини кенгайтириш, қонунчиликни бузганлик учун қўлланиладиган жазо чораларини қайта кўриб чиқиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича самарали механизмни ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Биз ҳозирги кунда шу асосда иш олиб бораяпмиз.

Икром ЎТБОСАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

ҲАР ИШНИНГ ЎЗ МАҲКАМАСИ БОР

Кўп ҳолларда ҳамюртларимизнинг пойтахтга, аксарият, газета-журналлар таҳририятларига мурожаат қиладилар. Тўғри, ҳар бир фуқаро ўзи истаган идора ёки ташкилотга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Лекин туман ёхуд вилоят миқёсида ҳал этилиши мумкин бўлган оддий бир масалани муаммо даражасига кўтариб, пойтахтга олиб бориш шартми, деган мулоҳаза кўнгилда пайдо бўлади. Аслида бундай ҳолларда фуқароларимизнинг сарсон-саргардон бўлишларига уларнинг ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини билмасликлари сабаб бўлади.

Мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро миллати, ижтимоий келиб чиқиши, дини, ирқи, эътиқоди, тили ва жинсидан қатъий назар, тегишли ташкилотларга Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига биноан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги ушбу Қонун ўз юридик хусусиятига кўра, фуқаролардан келиб тушадиган ариза, шикоят, талаб ва таклифларни тегишли мансабдорлар томонидан ўз вақтида ва қонуний тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди. Қолаверса, ушбу ҳужжат фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим асослардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Қонуннинг 5-моддасида шундай дейилади:

Ҳуқуқий жамият сари

"Фуқароларнинг мурожаатлари ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкин.

Ариза фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини руёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси баён этилган мурожаатидир.

Таклиф фуқароларнинг давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатидир.

Шикоят фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаатидир."

Юқоридаги бандлардан кўриниб турибдики, ҳар бир фуқаро ўз аризаси, таклифи ва шикояти билан давлат идораларига ва тегишли органларга белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 3-моддасида "...Фуқароларнинг мурожааат этиш ҳуқуқларидан фойдаланишлари бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги керак.

Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, айрим ҳолларда фуқароларнинг шикоят ва аризалари текширилмасдан ҳам қолдирилиши мумкин. Қандай ҳолатларда фуқароларнинг мурожаатлари тегишли органлар томонидан кўрилмасдан қолдирилади, деган саволга ҳам ушбу қонуннинг 6-моддасидан жавоб топишимиз мумкин. Ушбу моддада келтирилишича, "...Ёзма мурожаатларда мурожаат этувчининг имзоси бўлиши лозим. Мурожаатга шахсий имзо қўйишнинг имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаатлар уни ёзиб берган шахс имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ҳам ёзиб қўйилади.

Фуқаронинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёки бу ҳақда сохта маълумотлар кўрсатилган, шунингдек, имзо қўйилмаган ёзма мурожаатлар аноним деб ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди."

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни билган, унинг моҳиятини англаган фуқаро, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олади. Шундай экан, фуқаро тегишли органларга мурожаат қилишдан аввал, ушбу Қонун билан таниш бўлса, ҳеч бир қийинчиликсиз ўз мақсадига эриша олади, деб айтишимиз мумкин. Шу ўринда Қонуннинг 26-моддасига ҳам тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу моддада "Фуқаронинг туҳмат ва ҳақоратдан иборат ариза, таклиф ёки шикоят берганлиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади" дейилган бўлса, 27-моддасида "Била туриб сохта маълумот баён этилган мурожаатларни текшириш муносабати билан давлат органи томонидан сарф қилинган харажатлар фуқародан суд қарорига биноан ундириб олиниши мумкин"лиги ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Энди яна мақоламиз аввалида таъкидлаб ўтганимиз, нега айрим фуқаролар пойтахтга, газета ва журналлар таҳририятларига мурожаат қилишади, деган фикрга қайтсак. Бизнинг назаримизда, бундай ҳолатнинг юзага келишида, биринчидан, айрим фуқароларимизнинг ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунни билмасликлари бўлса, иккинчидан, биз, ҳуқуқшуносларнинг фуқаролар ўртасида етарли даражада ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бормаётганлигимиз ҳам сабаб бўлаётир. Шундай экан, биз – ҳуқуқшунослар халқ орасига янада чуқурроқ кириб боришимиз, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини янада теранроқ тушунтиришимиз керак бўлади. Зеро, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг катта бойлиги, унинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини биладиган, қонун устуворлиги учун курашадиган ва қонунни ўз манфаатларидан устун кўя оладиган фуқароларидир.

Комил ЖУМАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман суди раиси.

Хабарлар оқимидан

Нашрлар билан учрашув

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун навбатдаги матбуот анжумани бўлди. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи ташаббуси билан уюштирилган бу галги анжуманда китоб нашрлиги масалалари муҳокама қилинди. Нашриёт раҳбари М. Бўронов ижодий уйнинг айни кунлардаги фаолияти ва ижодий режалари тўғрисида маълумот берди. Мазкур нашрлик даргоҳи ходимлари сўнгги вақтларда умумтаълим мактаблари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим тизимидаги ёшларни лотин алифбосидаги ўзбек ёзувида нашр этилган бадиий адабиёт намуналари билан таъминлашга қаратилган самарали фаолият олиб бормоқдалар. Ҳозирги кунда бу алифбода Алишер Навоий, Машраб, Бедил асарлари чоп этилди. Шу билан бирга, халқ оғзаки ижоди дурдоналари, жаҳон адабиётининг энг яхши асарлари ҳам лотин алифбосида чоп этилиши мўлжалланилмоқда.

Анжуманда қатнашган ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунос олимлар ушбу нашриёт ходимларининг эзгу ва салоҳиятли меҳнатлари самараларини юксак баҳолаш билан бир қаторда, умуман, ҳозирги китоб нашрлигининг долзарб масалалари хусусида ҳам фикр алмашдилар.

М. САФАРОВ.

Боғзагонликлар қувончи

Деҳқонобод туманидаги Бошчорбоғ қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Боғзагон қишлоғи аҳолисининг кўлдан бери орзу қилиб келган умидлари ушалди. Аҳолининг саъй-ҳаракатлари билан қишлоқда ичимлик суви муаммоси ҳал қилинди.

Қадимий одатларимизга биноан Боғзагонда халқ ҳашари ўтказилди. Унда қишлоқнинг етти ёшидан то етмиш ёшигача бўлган аҳолиси фаол иштирок этиб, уч километр узоқликда жойлашган Бўрибой булоғидан сув тортиб келинди

Натижада 200 та оила оби ҳаётдан баҳраманд бўлди.

Маҳбуба ОДИЛОВА.
«Туркистон-пресс».

Хушбўй ва ёқимли

"Бета" компаниясини дунёда яхши билишади. Европа ва Осиёнинг ўнлаб мамлакатларида унинг корхоналари бор. Юртимизда фаолият юритаётган "Бета—Алгоритм" масъулияти чекланган корхонаси шуларнинг бири. Корхона асосан чой қадоқлаш билан шуғулланади. У 1996 йилда ташкил этилган эди. Ҳозир корхонада 350 нафар ишчи меҳнат қилмоқда.

— Корхонамизда ҳар куни 140 турдаги 12-15 тонна чой маҳсулотлари қадоқланади, — дейди ишлаб чиқариш бўйича директор Жавоншир Байжонов. — Чойни биз асосан Шри Ланка, Ҳиндистон, Индонезия, Эрон, Туркия, Хитой ва Вьетнам каби давлатлардан олиб келиб қадоқлаймиз.

Қадоқлаш цехи бошлиғи Улуғбек Иминовнинг таъкидлашича, мамлакатимизнинг барча вилоятларида корхонанинг бўлимлари бор.

— Маҳсулотимизга қўшни мамлакатларда ҳам талаб катта, — дейди у. — Сабаби биз ишлаб чиқараётган чойлар ўзининг хушбўйлиги билан ажралиб туради.

СУРАТЛАРДА: корхонанинг ишлаб чиқариш бўйича директори Ж. Байжонов, қадоқлаш цехи бошлиғи У. Иминов ва қадоқловчи Хулайра Хувоналиева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқда; илғор ишчи Шаҳноза Лутфуллаева.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Биз ва жаҳон

Ишчи кучи бозори:

ИЧКИ ВА ТАШҚИ ИМКОНИЯТЛАР

Республикамизда аҳоли сони кўпайиши ҳисобига ишчи кучи ресурслари ҳам ўсиб бормоқда. Масалан, 2005 йил бошига келиб, мамлакат бўйича бир квадрат километрга ўртача 58 киши тўғри келган ҳолда, Навоий вилоятида бу кўрсаткич 7,3, Андижон вилоятида эса 555 нафарни ташкил этди.

Ҳозирда юртимиз ҳудудининг бор-йўғи 7,6 фоизини ташкил этадиган Фарғона водийси ва Тошкент минтақасида, айниқса, аҳолининг қарийб 46 фоизи (Фарғона водийси — 28 фоиз ва Тошкент минтақасига — 18 фоиз), истиқомат қилмоқда. Бу ушбу ҳудудларда ишчи кучининг иш билан таъминлашга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Ўзбекистонда ишчи кучи ресурсларининг кўчувчанлик даражаси пастлиги унинг ҳудудлар бўйича қайта тақсимлаш имкониятини чеклаб турибди. Бундай заиф кўчувчанлик, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасида яққол кўринади ва бу ҳолат уларни индустриал меҳнатга жалб этишга тўсқинлик қилмоқда.

Бизнингча, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ишчи кучи ресурсларининг ҳудудий миграциясини жонлантириш учун, уларнинг миграцияга мойиллик даражасини ўрганиш, аҳоли сийрак жойлашган ҳудудларда ишчи кучига бўлган талабни аниқлаш лозим.

Ўзбекистон дунё ҳамжамиятига фаоллик билан қўшилиб, ташқи иқтисодий фаолиятнинг барча йўналишлари бўйича ўзининг тутган ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда. Халқаро савдо ва молия-кредит муносабатларини ривожлантириш билан бир қаторда, ишчи кучининг ташқи миграциясида ўзининг иштирокини кенгайтириш йўлларини изламоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро ишчи кучи бозорида қатнашувининг мавжуд имкониятлари аҳолининг тез суръатларда ўсиши, ишчи кучи ресурсларининг умумий сонида ёшлар улушининг кўплиги билан чекланиб қолмасдан, балки уларнинг маълумоти, савия даражаси юқорилиги билан ҳам ажралиб туради.

Халқаро ишчи кучи бозорида Ўзбекистон нафақат ишчи кучини экспорт қилувчи, балки уни импорт қилувчи давлат сифатида ҳам фаол қатнашиши мумкин. Чунки чет эл капиталини кенг жалб этиш, иқтисодиётни қисқа вақтда таркибий қайта қуриш зарурати маълум даражада хорижий ишчи кучидан ҳам фойдаланишни талаб этади.

Республиканинг халқаро ишчи кучи миграцияси жараёнларида фаол иштирок этиши, унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан бирга, бир қатор иқтисодий афзалликларга эришувига ҳам олиб келади. Аввало, маҳаллий ишчи кучи бозорида маълум даражада талаб ва таклиф мувозанати юз беради. Чунки республикадаги демографик вазият ички бозорда ишчи кучи таклифининг ҳам ўсиб боришига кучли таъсир кўрсатади.

Шунингдек, бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятини юритиш, бошқариш ва уни ташкил этиш ҳамда самарали меҳнат қилиш тажрибасига эга бўлади. Ишчи кучини экспорт қилиш республика валюта тушумларининг сезиларли манбаи бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Негаки, миллий даромадга хориждаги фуқароларимиз ишлаётган мамлакатларнинг валютаси келиб қўшилади. Бу даромад ҳисобига эса янги иш жойлари барпо этиш имкони туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат марказининг ҳисобига кўра, бир йилда 10 минг фуқаронинг хорижда ишлаши мамлакатга 150 млн. АҚШ доллари келиб тушишини таъминлаши мумкин.

Айтайлик, Филиппин, Туркия, Миср, Покистон, Яман, Бангладеш, Марокаш, Судан ва бошқа мамлакатларда ишчи кучи экспортидан келадиган даромад уларнинг экспорт тушумларида асосий ўринни эгаллайди. Сўнгги маълумотларга кўра, бу мамлакатлар умумий экспортининг 25–50 фоизгача бўлган миқдорини хорижда ишлаётганларнинг хусусий кўринишдаги пул жўнатишлари ташкил қилган.

Хорижда ишлаётган фуқаролар ишбилармонлик, тадбиркорлик хусусиятларига, халқаро иш тажрибаси ва ўтиш даври қийинчиликларини енга олиш қобилиятига эга бўлиб қайтадилар. Ҳисоб-китобларга кўра, ҳозирги вақтда ишчи кучининг ташқи миграциясида республикамизнинг 500 мингдан ортиқ фуқароси иштирок этмоқда.

Яқинда республика Савдо-саноат палатаси ишбилармонлар ўртасида сўровнома ўтказди. Унда қатнашган ҳар 100 нафар ишбилармондан 26 нафари республикадан ташқарида ишлаб тажриба орттириб келгани маълум бўлди. Бундан чиқадиган хулоса шуки, Ўзбекистонда ҳар бешинчи ёки олтинчи тадбиркор маълум бир вақт хорижда ишлаган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, республика ҳукумати томонидан ривожланган давлатлар, жумладан, АҚШ, Япония, Ғарбий Европа мамлакатлари ва бошқа ишчи кучига эҳтиёж мавжуд бўлган мамлакатлар билан ишчи кучи экспорти борасида ҳамкорлик қилиш бўйича тегишли битимлар имзоланиши фуқароларимиз учун чет давлатларда расмий ишлаш имкониятини яратади.

Ҳар бир давлат ишчи кучи миграцияси бўйича сиёсатини ишлаб чиқишда бу жараёнга турлича ёндашади ва ўз мамлакатига мос келувчи мезонларни ҳисобга олади. Шунинг учун кўплаб давлатлар бу жараёнга бевосита таъсир этишнинг анъанавий усуллари ҳисобланган квоталаш, лицензиялаш ва турли хил маъмурий усуллардан кенг фойдаланадилар.

Халқаро ишчи кучи бозорини тартибга солиш давлатларнинг миллий қонунчилиги ҳамда ҳукуматлараро ва идораларо келишувлар асосида амалга оширилиб, хорижий ишчи кучининг кириб келишини чекловчи ҳамда уларни ўз ватанларига қайтиб кетишини (реэмиграция) рағбатлантирувчи бюджетдан молиялаштирилган дастурлар ёрдамида тартибга солинади. Бунда иммигрантлар сонини камайтириш мақсадида тегишли талаблар қўйиш, яъни уларнинг касбий малакаси, маълумоти, ёши, соғлиғи, сони ва географик томондан квоталаниши, бевосита ва билвосита кириб келишини тақиқлаш ҳамда бошқа чеклашлар асосида амалга оширилади.

Республикамизнинг меҳнат қонунчилиги, фуқароларнинг мамлакатга келиши ва чиқиб кетиши билан боғлиқ бўлган тартиб ва маъмурий-ҳуқуқий меъёрлар босқичма-босқич Халқаро меҳнат ташкилотининг талабларига мувофиқлаштириб борилмоқда. Ўзбекистон бу ташкилотга 1992 йилда аъзо бўлган. "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунда республика фуқароларининг чет элларда касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи, мамлакат ташқарисида уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда давлатнинг масъулияти мустаҳкамлаб қўйилган.

Бизда бу соҳада фаолият юритиш ҳуқуқи Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги ва фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги минтақавий бюроларига юклатилган.

Хориж тажрибаси ишчи кучининг ташқи миграцияси ягона давлат органи доирасида (монополия ҳолида) эмас, балки муқобил хусусий агентлик ва фирмалар иштирокида ташкил қилинган тақдирда ўзининг самарали натижасини беришини кўрсатмоқда. Ўзбекистоннинг жаҳон ишчи кучи бозорига чиқиши учун ишчи кучининг ташқи миграцияси бўйича давлат концепциясининг ишлаб чиқилишини ҳамда бу сиёсатни ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий томондан таъминланишини тақозо этади. Унда давлатнинг ушбу соҳага бўлган сиёсати, принцип ва мақсадлари, вазифалари, ишчи кучининг ташқи миграциясини ташкил қилиш механизми ва ушбу жараёнларни давлат томонидан назорат қилиш чоралари аниқ ифодаланиши лозим.

Бизнинг фикримизча, жаҳон ишчи кучи бозорининг аҳволи тўғрисидаги ахборотлар ва методик қўлланмалар билан иммиграция хизматини таъминлашга қодир инфратузилмалар шакллангани сари, хорижда ишга жойлаштириш ҳуқуқига эга бўлган муқобил хизматни ҳам ривожлантириш керак. Ушбу соҳада фаолият юритиш истагини билдирган фирма ва компанияларга ёрдам бериш, улар томонидан хорижий иш берувчиларни излаб топишида кўмаклашиш мақсадга мувофиқдир.

Ишчи кучининг ички ва ташқи миграцияси жараёнини тартиб билан, оқилона бошқариш учун, биринчи навбатда, янги иш жойлари яратилишини таъминлаш, қишлоқ жойларидан шаҳарларга ишчи кучининг ортиқча миқдорда оқиб келишини тартибга солиш керак.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ишчи кучи миграцияси доимий иқтисодий зарурият ҳисобланиб, ҳар бир мамлакат ҳудудида бу жараён мунтазам давом этади. Унда Ўзбекистоннинг ҳам фаол қатнашиши мамлакатимизга тараққиётдан, ривожланишдан орқада қолмаслик, ёшларимизга эса дунёнинг турли юртларига бориб ишлаш орқали малака ва тажриба орттириш имконини беради.

Беҳзод ТОҒАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.



Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитасига қарашли "Ўзбекгидрогеология" давлат гидрогеология корхонасининг Тошкентолди гидрогеология экспедицияси пойтахт вилоятида ер ости сувларини қидириш, излаш ва доимий кузатув ишларини амалга оширади. Мазкур юмушларнинг ўз вақтида ўтказилиши вилоят аҳолисининг хўжалик ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш, ер ости сувлари ифлосланишининг олдини олиш ва уларнинг манбаларини аниқлаш, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси идоралари билан ҳамкорликда ушбу манбаларни бартараф этишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда шу тариқа амалдаги сув олиш иншоотларини улардан келгусида ҳам фойдаланиш учун сақлаш имконини беради.

БАРЧАГА — ТОЗА СУВ

Бу йўналишда, айниқса, экспедициянинг "Ўзбекгидрогеология" корхонаси ва Давлат геология қўмитаси билан ҳамкорлик алоқалари ўз самарасини бермоқда.

Давлат геология қўмитасининг бевосита ёрдамида экспедиция замонавий машиналар ва бурғулаш асбоб-ускуналари билан таъминланган ва асосий ишлаб чиқариш участкалари, компьютерлаштирилган. Ёш раҳбар Улуғбек Азизовнинг ишни янгича ташкил этиш, ишончли ва малакали кадрларни танлаб жойжойига қўйиш борасидаги ҳаракатлари туфайли ташкилот даромад келтира бошлади. Экспедиция учун бир неча фойдали шартномалар тузилди. Ходимларнинг иш шароитларини яхшилаш ва экспедиция ҳудудини ободонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

— Баҳорги дала ишлари бошлангани туфайли биз "Тошвилсувоқова" очиқ турдаги акционерлик жамияти билан Чиноз, Тошкент, Қибрай туманларининг қишлоқларини сув билан таъминлашни яхшилаш мақсадида шартномалар тузмоқдамиз, — дейди У.Азизов.

Экспедиция жорий йил бошида давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар ҳисобига Чирчиқ конининг Қибрай участкасида ер ости сувларини қидириш ишларини ўтказиш лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. Бундан кўзланган мақсад "Сувсоз" шаҳар унитар ишлаб чиқариш корхонасининг берилган техник топшириғи ва "Ўзбекгидрогеология" корхонасининг объектлар бўйича режаси шартларига мувофиқ, Тошкент шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлайдиган "Қибрай" сув чиқариш иншооти ҳолатининг ўзгариши туфайли ер ости сув захираларини қайта баҳолашдан иборатдир.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти шаҳарлари ва қишлоқларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишига доир бош режаларнинг ишлаб чиқилиши муносабати билан вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан қўйилган асосий вазифалардан бири — таъмирланаётган шаҳарлар аҳолиси ва саноат объектларини ичимлик суви ва техник сув билан таъминлашдан иборат. Айни чоғда, Зафар, Бўка, Оққўрғон, Гулбаҳор шаҳарлари ер ости сувлари ва сув ҳавзаларини гидрогеологик тадқиқ қилиш бўйича лойиҳалар, "Ўзбекгидрогеология" ДГКнинг объектлари бўйича асосий режа тузилиб, ишлар бошлаб юборилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 октябрдаги "1999-2005 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида"ги 469-қарорига асосан эса, Ангрен шаҳри ҳокимлиги билан бирга шаҳар ва унга туташ ҳудудлардаги ер ости сувлари ифлосланиши даражасини аниқлаш мақсадида гидрогеология ишларининг иккинчи босқич ишлари бошланди. Тадқиқот ишларининг олиб борилиши Ангрен саноат ҳудудида табиий муҳитга нисбатан энг кучли техноген таъсир кўрсатилаётгани билан боғлиқ. Бу эса ҳудуднинг геоэкологик муҳитига таъсирини олдиндан ўрганиб боришни тақозо этади.

Экспедиция раҳбари Улуғбек Азизов бошчилигида ушбу ташкилотнинг бош гидрогеологи Баҳодир Расулов, бурғулаш участкаси бошлиғи Абдурашид Ҳамроев ва бошқа мутахассислар юзага келган муаммоларни ечишга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар режасини ҳам ишлаб чиқиб, унда белгиланган ишлар ва лойиҳаларни изчил амалга оширмоқдалар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ишлари ёш мутахассислар — гидрогеологлар, бурғуловчилар иштирокида янада жонланди. Улар ўз раҳбарлари етакчилигида у ёки бу масалаларни ҳал этишга бор куч-ғайратларини йўналтирмоқдалар.

Экспедиция жамоаси яқин келажакда ўз фаолиятини янада кенгайтириб, моддий-техник базасини кучайтирмоқчи. Ишончимиз комилки, уларнинг мақсадлари албатта рўёбга чиқади.

Усмон УСМОНОВ.



СУРАТЛАРДА: бош гидрогеолог Баҳодир Расулов, экспедиция раҳбари Улуғбек Азизов ва участка бошлиғи Абдурашид Ҳамроев; ҳайдовчилар Тимофей Пак, Суръат Ҳакимов ва гидрогеолог Жаҳонгир Саидмуродов.

Муаллиф олган суратлар.

Молия-кредит тизими

Мамлакатимизнинг энг йирик акциядорлик-тижорат банкларидан бири — «Пахтабанк» жамоаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва янада чуқурлаштиришга қаратилган фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш йўлида тинимсиз изланмоқда. Натижада молия-кредит тамойиллари такомиллаштирилмоқда, янги-янги банк хизмати турлари амалиётга жорий этилмоқда.

БАНК ВА АКЦИЯДОР

Айниқса, тўпланган тажриба ва Жаҳон банки маслаҳатчисининг тавсияларига мувофиқ, «Пахта Банк» тизимида қишлоқ хўжалиги корхоналарига кредит бериш тартиби»нинг янги таҳрири ишлаб чиқилгани ўз самарасини бераяпти. Банк филиаллари билан қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида кредит муносабатларини янада такомиллаштиришни кўзда тутувчи ушбу тартибга кўра, банк ўз ресурслари ҳисобидан уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун молиявий ёрдам кўрсатмоқда. Мисол учун, биргина 2004 йилда 1380 та хўжалик ва уларга хизмат кўрсатувчи корхоналарга жами 19 миллиард 316 миллион сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу аввалги йилдагига нисбатан 54 фоиз кўпдир. Шунингдек, фермер хўжаликларига молиявий операцияларни амалга оширишда қулайликлар яратиш, муҳими, банк хизматини уларга яқинлаштириш мақсадида ҳудудларда қўшимча 96 та мини банк ташкил этилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банк кредитлашнинг лизинг усулидан ҳам кенг ва самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу усул техника харид қилишни хоҳловчи ширкат ва фермер хўжаликларигагина эмас, балки уларга хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалик корхоналарига ҳам маъқул бўлаяпти. Бултур 84 та лизинг объекти бўйича 2,5 миллиард сўмлик хизмат кўрсатилгани, бу маблағ 2003 йилдагига таққослаганда 70,6 фоиз зиёд эканлиги шундан далолат беради.

Ана шу ютуқларда, айтиш жоизки, «Пахтабанк» Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг филиалларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Биз бошқарманинг мижоз-акциядорлари билан суҳбат асносида бунга яна бир карра амин бўлдик.

М. ҚУДРАТОВ, Яккабоғ туманлараро «Кейс» маркази раиси:

— Марказимизнинг ҳисоб рақами «Пахтабанк»нинг Яккабоғ бўлимида очилган. Биз мазкур бўлим ходимлари хизматидан миннатдормиз. Улар бизга жуда катта ёрдам беришаяпти. Бу эса бизнес-режамизда белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида, сифатли бажариш, мақсадли маблағларидан оқилона фойдаланган ҳолда, мавжуд муаммоларни тезроқ ҳал этиш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиришга доир тегишли қарорлари талабларини бажаришда ҳам банк «Кейс» марказига кўмаклашаётганини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим.

Жамоамиз аҳли якунланган йилда вилоят машина-трактор паркларига 250000 минг сўмлик ўрнига 265796 минг сўмлик хизматлар кўрсатиб, 12242 минг сўм соф фойдани қўлга киритгани бунинг тасдиғидир.

Бундан ташқари, «Пахтабанк»нинг оддий акцияларини сотиб олган эдик. 2003 йил якуни бўйича бу акциялар эвазига юқори фоизда дивиденд ҳисобланган эди. Ана шу маблағ банк томонидан ўз вақтида тўлиқ тўланди.

«Пахтабанк» билан марказимиз ҳамкорлиги бундан кейин ҳам давом этаверади. Чунки биз унга ишонамиз.

А. САРИҚОВ, Миришкор туманидаги «Миришкор» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:

— Акциядорлик-тижорат «Пахтабанк»и ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бир ёқадан бош чиқариб, ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари амалда ўз натижасини бермоқда. Хўжалигимиздан қиёс: ўтган йили пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Хусусан, 2700 гектар майдонда ғўза ўстириб, якунда 8300 тонна, белгиланганидан 2000 тонна кўп қиматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олдик. Ҳосилдорлик 23,3 центнер ўрнига 30,7 центнерни ташкил этди. Шартнома режаси эса 131,7 фоизга бажарилиб, рентабеллик даражаси 45,4 фоизга етди.

Даромад ҳам шунга яраша бўлди. Яъни, пахтанинг ўзидан 206500 минг сўм даромад қилдик. Бу маблағнинг 73200 минг сўми соф фойдадир.

Ғаллачиликка тўхталсак, бултур 1600 гектар ердан давлатга 5342 тонна дон сотдик. Бунинг эвазига 438905 минг сўм даромад олинди.

Эришилган ютуқларда, албатта, «Пахтабанк» «Янги миришкор» бўлимининг амалий ёрдами каттадир. Негаки, биз бу бўлимдан мақсадли маблағларни ўз вақтида, тўлиқ олиб турибмиз.

Айни чоғда биз «Пахтабанк»нинг нафақат мижози, балки акциядори ҳам ҳисобланамиз. Бошқарувимиз банк фаолиятини ўрганиб, самарадорлигига ишонган ҳолда, унинг 13113 минг сўмлик оддий акцияларини харид қилган эди. 2003 йил якунларига кўра, акцияларимиз эвазига мўмайгина дивиденд олдик.

Г. ШАРОПОВ, «Қамаши тумани машина-трактор парки» давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раиси:

— Жамиятимизда 20 та «Магнум» русумли ҳайдов трактори ва 16 та «Кейс» комбайни мавжуд. 2004 йил мобайнида ҳайдов тракторлари ёрдамида 15 минг 123 гектар ер шудгор қилиниб, 3356624 минг сўм даромад қўлга киритилди. Комбайнларимизнинг операторлари эса бултурги мавсумда 7965 гектар майдондаги ғаллани ўриб-янчиб, 308416 минг сўм даромад келтирдилар. Умуман, бултур жамоамиз томонидан жами 798766 минг сўмлик иш бажарилиб, пировардида 65553 минг сўм соф фойда олинди.

Бу маблағга, йил якунига кўра, яна 767 минг сўм дивиденд ҳам қўшилди. Чунки жамиятимиз «Пахтабанк»нинг 2688 минг сўмлик акцияларига эга. Акцияларга шунча маблағнинг ҳисоблангани ва унинг «Пахтабанк» Қамаши тумани бўлими томонидан ўз вақтида тўланганини икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашига ишончим комил.

Айтмоқчиманки, келгусида ҳам бу банк бизнинг мададкоримиз, биз эса унинг мижоз-акциядори бўлиб қолаверамиз.

О. САМИЕВ, Касби туманидаги Насафий номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси:

— Ўтган йил давомида «Пахтабанк» Қашқадарё вилояти бошқармасининг мижозлари сони 10429 тадан 13913 тага, акциядорлари эса 8086 тадан 8755 тага етибди. Буни эслаётганимнинг сабаби шуки, бизнинг ширкат хўжалигимиз ҳам шу банкнинг Касби тумани бўлими мижоз-акциядоридир. Унинг 9984 минг сўмлик оддий акцияларини сотиб олганмиз.

Фақат шугина эмас. «Пахтабанк»нинг мижози сифатида ҳам бу жамоа аҳлидан мамнунмиз. Негаки, пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, парвариш қилиш ҳамда уларнинг ҳосилини йиғиштириб олишга сарфланадиган мақсадли маблағларни банкдаги ҳисоб рақамимиздан узлуксиз олиб турибмиз. Шу боис иқтисодий кўрсаткичларимиз ҳам юқори бўлмоқда. Чунончи, 2004 йилда 1528 гектар пахтазордан 4300 тонна ўрнига 5362 тонна «оқ олтин» хирмони уйдик. Ҳосилдорлик бир йилда 4,4 центнерга кўтарилди. Рентабеллик даражаси эса 49,6 фоизни ташкил этди. Натижада 422499 минг сўм соф фойдага эга бўлдик.

Бундан ташқари, 903 гектар майдондан 2732 тонна, белгиланганидан 777 тонна кўп ғалла етиштирдик. Бу борадаги шартнома режаси 140 фоиз этиб уддаланди. Соф фойда эса 75859 минг сўмга етди.

Бу йилги режаларимиз ҳам салмоқли. Уларни, албатта, бажарамиз. Чунки «Пахта Банк»дек ишончли шеригимиз, молиявий мададкоримиз бор!

— Банкимиз жамоаси 2005 йилда ҳам мижоз-акциядорларимиз манфаатларини кўзлаган ҳолда фаолият юритмоқда, — деди пировардида бошқарма бошлиғи Алишер Зокиров. — Хусусан, ширкат ва фермер хўжаликлари, уларга хизмат кўрсатувчи корхоналар моддий-техник базасини асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг техникалари ҳисобига мустаҳкамлаш, чет эл кредит линиялари орқали инвестицияларни жалб этиш, уларга лизинг хизмати кўламини кенгайтириш ишларини изчил давом эттираверамиз.

И. ҲОТАМОВ.

ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Ўзбекистон «ЭКСПО — 2005» халқаро кўргазмасида

Японияниг Аичи префектурасида «Экспо-2005» халқаро кўргазмаси иш бошлади. Ушбу халқаро тадбирнинг очилиш маросимида Япония императори Акихито, Бош вазир Жюньитиро Коидзуми иштирок этди.

«Табиат ўгитлари» шиори остида атроф-муҳитни ҳимоя этиш, бизни ўраб турган она табиатга зарар етказмайдиган технологияларни ишлаб чиқариш ҳамда жаҳон халқлари ўртасида ўзаро мулоқотни мустаҳкамлашга даъват этилган ушбу халқаро тадбирда дунёнинг 120 дан ортиқ мамлакати қатнашмоқда.

Юксак дид билан, жуда чиройли безатилган Ўзбекистон павильони кўргазманинг биринчи кунлариданоқ одамлар билан ниҳоятда гавжум бўлди. Халқимиз тарихи, маданияти, урф-одатлари ҳамда мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиёти ҳақида атрофлича тасаввур берадиган Ўзбекистон экспозицияси миллий меъморчилик анъаналари, наққошлик, ганч ўймакорлиги санъати намуналари асосида безатилган.

— Мен Буюк Ипак йўли тарихи, ўзбек халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва бугунги ҳаёти ҳақида кўп ўқиганман, — дейди Япония Ташқи савдо ташкилоти (JETRO) вакили Ёрико Суматсу. — Ўзбекистон павильонини зўр қизиқиш билан томоша қилгач, ундаги бой экспонатлар Шарқ ва Ғарб ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган юртингиз тўғрисидаги тасаввурларимни янада бойитди.

Анжуманда мамлакатимизнинг сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти муносиб равишда намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ва «Ўзэкспомарказ» томонидан ташкил этилган ушбу павильон лойиҳасини рўёбга чиқаришда мамлакатимизнинг Японияда элчихонаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Roison Electronics» қўшма корхонаси ва бошқа ташкилотлар яқиндан ёрдам беришди.

Акмалжон ҚЎЧҚОРОВ, «Жаҳон» АА мухбири. Токио.

Аҳоли умумий конституцияга қарши



Bloomberg ахборот маҳкамаси тарқатган хабарга кўра, Францияда умумевропа конституциясига қарши бўлганлар сони уни қўллаб-қувватлаётганлардан кўп бўлиши мумкин. Ipsos агентлиги ўтказган ижтимоий сўровида қатнашганларнинг 54 фоизи бу ҳужжатнинг қабул қилинишини хоҳламаслигини билдирди. Агентлик мутахассислари фикрича, норозиликнинг асосий сабаби ҳукуматнинг ишсизлик муаммосини ҳал эта олмаётганлигидир. Айни пайтда Францияда ишсизлик сўнгги беш йилдаги энг юқори нуқтага етди. Асосий қонуннинг Франция томонидан ратификация қилиниши бўйича референдум шу йил 29 майга белгиланган. Мазкур умумий Конституция дастлаб Испанияда аҳолининг 77 фоиз овози билан қабул қилинган эди.

5 минг киши бедарак



Аввал хабар қилганимиздек, Индонезияда яна кучли ер силкиниши содир бўлган эди. Айни пайтда зилзила марказига энг яқин бўлган Баньяк ороллар тўпламининг тахминан 5 минг нафар аҳолиси тақдири номаълумлигича қолмоқда. Бу оролдан ҳозиргача ҳеч қандай хабар келиб тушмаган. Шу вақтгача олинган маълумотларга кўра, зилзила ва ундан кейин кўтарилган цунами оқибатида ороллар тўпламидаги биноларнинг 80 фоизи бутунлай вайрон бўлган.

Фалокатдан огоҳлантириш тизими

Британияда ер силкинишларидан тортиб астероидлар ва вулқонларгача — барча фалокатлардан огоҳлантириш бўйича глобал тизимни яратиш бўйича режа ишлаб чиқилди. The Timesнинг ёзишича, мазкур режа ҳукумат аъзоси ва олим Дэвид Кинг томонидан Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр топшириғига биноан тайёрланган. Режада дунё океанларининг турли нуқталарига ўлчов ускуналари ўрнатиш, бутун дунё бўйича сейсмографлар тармоғини яратиш, сайёрамиздаги энг фаол вулқонлар устидан доимий кузатув ўрнатиш кўзда тутилган.

Қариялар топилди

Япония шимолидаги тоғларда йўқолиб қолган бир гуруҳ кексалар қаердалиги аниқланди. Фахрий альпинистлар клуби аъзолари бўлган 43 киши сешанба куни Акита префектурасидан чиқиб кетган ва қор бўронида қолиб кетишганди. Кеча эса улар алоқага чиқишди ва ҳеч қандай талофат кўрмаганини билдиришди.

Излар рентген ёрдамида

Лос-Аламос (АҚШ) илмий лабораторияси олимлари бармоқ изларини аниқлаш ва таҳлил қилишнинг янги йўлини ўйлаб топишди. Лойиҳа раҳбари Кристофер Уореннинг айтишича, бу усул рентген нурлари имкониятларига асосланган. Ҳозирги пайтда бармоқ излари махсус кукун ёрдамида аниқланади ва бунда из шамойили бузилиб кетиши мумкин. Ихтиронинг аҳамияти шундаки, рентген нурлари ёрдамида излар қандай бўлса, шундайлигича суратга олинади. Associated Press ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, илмий лаборатория ўзлари яратган ускунани Нью-Мексико штати полицияси билан ҳамкорликда амалда синаб кўрмоқчи.

Парламентдаги келишмовчилик

Ироқ Миллий ассамблеяси (парламенти) спикерини сайлаш масаласи номзодлар борасидаги келишмовчилик туфайли кейинга қолдирилди. Бу ҳақда парламент депутати Дорий ал-Фаёд ассамблеянинг иккинчи йиғилишида маълум қилди. Душанба куни спикерликка номзодлардан энг обрўлиси — Ироқнинг айни пайтдаги вақтинчалик президенти Ғозий ал-Явар мазкур лавозимни рад этиши келишмовчилик юзага келишига сабаб бўлди. Reuters ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, парламент депутатлари орасидаги баҳс ўта жиддийлашиб кетгач, Ироқ бош вазири Айёд Алауи Миллий ассамблея мажлисидан чиқиб кетган.

Ҳукуматдан олинган маълумотларга кўра, спикер шанба куни сайланиши мумкин.

Банк қўлга олинди

Италиянинг Сардиния оролида қуролланган икки шахс маҳаллий банклардан бирини қўлга олди, деб хабар беради Италия марказий телевидениеси. Бу пайтда банкда ходимлар ва мижозлар мавжуд бўлган ва улар босқинчилар томонидан гаровга олинган. Полиция банк жойлашган ҳудудни қуршаб олди ва жиноятчилар билан музокара олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Айрим маълумотларга кўра, улар ҳозиргача икки аёлни озод қилишга муваффақ бўлган. Босқинчиларнинг талаби ҳақида ҳалигача бирор хабар айтилмади.

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ТУРОН» БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ўзининг сўм пластик карточкасини ҳамда «Ҳамкорлик» ва «Имконият» деб номланган муддатли омонатларини таклиф этади.

- «Турон» банки сўм карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.
- «Турон» банки сўм карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга оширишлари мумкин.
- Иш ҳаки, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.
- Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўласиз.
- «Турон» банки сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага, ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 22 фоиз устама даромад ҳисобланади.

«Ҳамкорлик» муддатли омонатига маблағлар 5 ой муддатга қабул қилинади ва йиллик 23 фоиз устама даромад ҳисобланади. Ҳисобланган фоизлар қисми коммунал тўловлар учун ўтказилади.

«Имконият» муддатли омонатига маблағлар бир ойдан 1 йилгача бўлган муддатга қабул қилинади. Йиллик 21 фоиз устама даромад ҳисобланади. Омонатнинг бошланғич бадали — 50 000 сўм. Омонатни сақлаш ва у бўйича тўланадиган фоиз даромадларини олиш муддатларини омонатчи мустақил белгилайди.

- «Турон» банки сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларни сир сақланишига кафолат беради.
- «Турон» банки сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.

«Турон» банки сиз билан, сиз учун!



Ойбек таваллудининг 100 йиллиги олдидан

Буюк инсонларнинг ҳаёт йўллари шифобахш зилол сувларга лиммо-лим наҳрул-ҳаётни эслатади. Уларнинг ҳар бир ҳаракати, сўзи ибратли, ҳаёти сабоқ бўладиган воқеаларга бой. Севимли адибимиз Ойбек худди ана шундай даҳолардан эди. Унинг ижоди ҳақида ёзилган, ўлмас асарларини пишиқ-пухта таҳлил этган талайгина китобларга, рисолаларга эгамиз. Аммо булар ичида бевосита Ойбекнинг шахсияти, унинг инсоний фазилатларини ҳаётий мисоллар билан, қизиқарли баён этган иш учрамайди. Атоқли адабиётшунос Азиз Қаюмовнинг яқинда чоп этилган «Академик Ойбек» китоби ана шундай эҳтиёжни қондиради.

УСТОЗНИ ЭСЛАБ...

Бу эсдаликни зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Шунга амин бўлдимки, камина ҳам Ойбек билан кўп суҳбатлар қурган, йиғилиш, учрашувларда бирга қатнашган бўлсам-да, кўп воқеа-ҳодисадан бехабар эканман. Бу китоб мени улуғ адиб ҳақидаги билимимни бойитди, унга эътиқодим ва эҳтиромимни янада оширди.

Азиз Қаюмов Ойбек билан илк бора 1946 йилда учрашган ва ҳаётининг сўнгги дамларигача самимий мулоқотда бўлган. Ойбекнинг ғамхўрлигини кўрган, илмдаги поклиги, билимдонлигидан баҳраманд бўлган Азиз Қаюмов бир умрга етгулик сабоқлар олганлигини ёзади ва авлодларга ўрнак сифатида тақдим этади. Китобда алломанинг илмни ривожлантиришдаги хизматлари, ёш олимларга меҳри, ҳақиқат учун жонбозлиги асосий ўринни олган. Бу гаплар ҳаётий далиллар билан исботланиб борилади. Чунончи, муаллиф мумтоз адабиётимиз вакили Махмурнинг шеърлар тўпламига ёзган сўзбоши ва унинг таржимасини кўриб беришни илтимос қилганида, у зот шунчаки кўриб бермай, обдон чиғириқдан ўтказиб, тузатиб, сўнгра нашрга тавсия этадилар.

Ойбек Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий фанлар бўлими раҳбари сифатида жуда катта ишлар қилганлигининг гувоҳи бўлган Азиз Қаюмов бу ҳақда чексиз муҳаббат билан ҳикоя қилади. Унинг Тил ва адабиёт институтида ўтказилган ёш олимларнинг илмий сессиясида «XIX аср ўзбек ва тожик адабиётининг намояндаси Жўнайдулла Хозиқ ижодий мероси» тўғрисидаги маърузаси устозга маъқул тушиб, хурсанд бўлиб кетиб, «ана, ана» деб ёш ходимни рағбатлантирган эканлар. Бу икки калима сўз Азиз Қаюмовга қанот бахш этганини, фан оламида парвозга йўллаганини таъкидлайди муаллиф. «Қачон бирор нарса ёзсангиз, менга олиб келаберинг. Ҳар доим ёрдам бераман» деган экан адиб. Бундан ортиқ мурувват бўладими?

Ойбек домла узоқ вақт «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида бош муҳаррир бўлиб ишлаган вақтида Азиз Қаюмов унинг ўринбосари вазифасини адо этган. Журналда босиладиган ҳар бир материал Ойбекнинг зийрак, синчков кўзидан ўтар, унинг ўткир қалами билан меъёрига етказилиб, эълон қилинар эди. Буларнинг гувоҳи бўлган Азиз Қаюмов материалларни қандай қилиб, босмага тайёрлаш санъатини ўрганган. «Ойбек ёш мутахассисларни шакллантиришга ҳар доим эътибор берар эдилар», деб ёзади муаллиф. Исботи учун қуйидаги мисолни келтиради. Ўша вақтда аспирант бўлган, ҳозирги етук навоийшунос олим Абдуқодир Ҳайитметовга ҳам катта ёрдами текканини таъкидлаб ўтади. Бу ёш аспирант ўз илмий ишига мавзу тополмай қийналиб юрганида, Ойбек домла унга «Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» мавзусида ишлашни маслаҳат берган экан. Бу муҳим келажакли мавзу эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди. А. Ҳайитметов номзодлик диссертациясини ёқлади, уни бироз ишлаб китоб ҳолида нашр эттирди. «Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари» адабиётшунослигимиздаги бақувват илмий асарлардан бири бўлиб қолди. Демак, ёш олимларни Навоийнинг илмий-ижодий оламига олиб киришда ҳам Ойбекнинг хизматлари сингган.

1948 йилда буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг 800 йиллигига бағишланган илмий йиғинда Ойбек раислик қилиб, Низомий тўғрисида илҳомланиб сўзлаб, унинг ижодий фаолиятининг туб моҳиятини яққол очиб берганлигини муаллиф фахр билан ёзади. Айниқса, 1948 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Ойбек «юксак жўшқинлик ва ҳаяжон билан ижро этган» маъруза кўпчиликда олқишлар уйғотади.

Азиз Қаюмов Бобурга ҳужумлар бўлиб турган бир вақтда Ойбекнинг бу улуғ шоир ва давлат арбобига бўлган чуқур эҳтиромини кўриб, Ойбекнинг буюклигига яна бир карра ишонч ҳосил қилган. Ойбек Азиз Қаюмовнинг Бобур устида иш олиб бораётганини эшитиб: «Яхши, ишланг, ишланг, чиқади. Бобур жуда зўр, жуда яхши, гўзал иш» деган экан. Кўринди турибдики, Бобур ижодий фаолиятини дадил ўрганишда, ҳақиқатни рўёбга чиқаришда ҳам Ойбекнинг ҳиссаси жиддий бўлган.

Ойбекнинг ўзбек халқ достони «Алпомиш»га бўлган муносабати ҳам китобдан ўрин олган. Муаллиф ўзи иштирок этган 1952 йилдаги даҳшатли муҳокамани яққол гавдалантириб беради. Йиғилишга Ойбек раислик қилган. Йирик фольклоршунослар «Алпомиш»ни балчиққа булғаб ташлаганларидан кейин Ойбек гапирмаган, аммо азобланиб «нотоблиги кучайиб, ётиб қолган экан».

Шуни айтиб ўтиш керакки, Азиз Қаюмов ўз рисоласида Алишер Навоийнинг дунёқараши масаласига тўхталиб, уни мустақиллик мафкурасидан келиб, чиқиб янгича талқин қилган. Севги масаласини иккига ажратиб, ҳам худога, ҳам тирик инсон — ёрга қаратилганлигини асослаб ўтади. Булардан ташқари, муаллиф Ойбекнинг «Навоий» романи ва достони ҳақида янгича фикрлаб, ўзгача мулоҳазаларни айта олган.

Азиз Қаюмов Ойбекнинг яна уч фазилатига тўхтаб ўтади. Биринчидан, унинг иш услуби. Ойбек қайси лавозимда ишламасин, у ишнинг кўзини билиб, босиқлик билан, суҳбатдошини ранжитмасдан иш олиб борган, барчага ёрдам қўлини чўзган. Бу фазилатларининг гувоҳи бўлган шогирд шундай ёзади: «Ойбек ҳеч қачон маъмурий раҳбарлик қилмас, аксинча, ҳамиша институтларга.... ёрдамлашар, йўл-йўриқлар кўрсатар.... мен Ойбекнинг раҳбар сифатида бирор кишига танбеҳ қилганини кўрган эмасман. Буйруқбозлик, хўжайинлик бу одамнинг табиатига зид эди».

Лекин Ойбек ўзиға ҳам, ўзгаларга ҳам талабчан, принципиал олим ва адиб эди. Илмий, адабий масалалар бўйича тортишувларда Ойбек ўзининг позициясидан, мавқеидан ҳеч чекинмас, фикр ва мулоҳазаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилар эди, деб ёзади муаллиф. Рисолада бу фикрни тасдиқловчи ажойиб мисоллар келтирилади. 1952 йилда ЎзФА да ўзбек тилшунослиги масалалари бўйича ўтказилган йиғинда бугунги ўзбек тили, унинг ўсиш қонуниятлари, сўз ясалиш қоидалари тўғрисидаги тортишувларда бир ўзбек олими билан қаттиқ баҳсга киришиб, ўзбек тилининг тараққиёти қайси йўлдан бормоғи кераклигини кўрсатиб, исботлаб берган экан. Тилшунос рақибининг ясама, сохта фикрларига устознинг қақшатғич зарба берганлигини муаллиф асосли равишда изоҳлаб берган.

Иккинчидан, Ойбек жуда кечиримли бўлган. У бу масалада, ҳатто ўзига қарши чиққанларга, унга туҳмат тошини отганларга ҳам яхшилик қилган. Туҳмат қилган диссертантга ҳам уни ҳимоя қилишига, мақоласини ўзи бош муҳаррир бўлган журналда босилиб чиқишига розилик берганлигига ҳайратланмай иложимиз йўқ.

Ойбекнинг учинчи фазилатини Азиз Қаюмов унинг сахийлигида, одамгарчилигининг зўрлигида кўради. Ўз фикрини исботлаш учун қуйидаги мисолни келтиради. Москвада ўтган илмий конференцияга борган делегатлар ресторанда овқатланганларидан кейин ҳаражатни ҳаммалари учун Ойбек домла ўз ёнларидан тўлаб юборган эканлар. Ойбек пулнинг юзига қармаслигини ҳар неча мисолларда келтиради муаллиф. Адиб узоқ вақт «Ўзбек тили ва адабиёти» журналига бош муҳаррирлик қилди, аммо бунинг ҳаммасини жамоатчилик йўли билан бажарди. Кўз нурини тўкиб, кеча-кундуз меҳнат қилиб, мақолаларни тайёрлаб, журналнинг сифатини кўтариб, нашрдан чиқарган ва бу учун бир сўм пул олмаган.

Яна бир эътиборли томони Ойбек шундай улуғ номга, обрўга эга бўлишига қарамасдан, ўта камтар бўлган. Унинг уйига келган меҳмон хоҳ катта, хоҳ кичик бўлсин, унга ҳурмат кўрсатиб, унинг чопонини кийгизиб қўйишга интилар экан. Муаллиф хулоса қилиб, «Бу хайрли иш ҳар ерда одат бўлиб қолсин» дейди. Кошки эди, деймиз бизлар ҳам.

Ойбек донишманд адиб ва олим сифатида узоқни кўзлаб, келажакни ўйлаб яшаган ва ижод этган. Келажак ҳам, ўз навбатида, унга меҳр тўридан ҳайкал ўрнатади. Ва у адабий тирик сиймо сифатида сафимизда қолаверади.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ.

Кўргазма

Сўзанадан либосгача

Одатда қайси соҳада кенг кўламли ишлар олиб борилаётган, муваффақиятларга эришилаётган бўлса, шу соҳа ҳақида кўргазмалар ташкил қилинади, уларнинг ишлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб этилади. Шу нуқтаи назардан олганда, Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида иш бошлаган "Ўзбекистон тўқимачилиги ва дизайн санъати. Анъана ва замонавийлик" номли ҳунармандчилик кўргазмаси бу соҳада кейинги йилларда эришилган ютуқлар намойиши бўлибди, десак янглишмаймиз. Кўргазма экспозициясидан Бадиий кўргазмалар дирекцияси, Давлат тарихи музейи фондидан олинган шойи, хонатлас, бахмал, адрас, беқасам, қуроқ сингари тўқимачилик санъати намуналари ўрин олган. Шунингдек, Д. Умаралиев, Т. Мирзаахмедов В. Пучков, Маликабону, Саида Амир сингари қўли гул усталар томонидан яратилган анъанавий ва замонавий либослар ҳам намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, ундан томошабинлар тўқимачилик ва дизайн санъатининг ўтмиши, бугунги тараққиёти ҳамда келажакдаги истиқболи ҳақида тўлиқ маълумот олишлари, ўзларига манзур бўлган матоларга буюртма беришлари ёки шу жойнинг ўзида уни харид қилишлари мумкин.

Жорий йилнинг 25 апрелигача давом этадиган кўргазма доирасида тўқимачилик санъати усталари, тўқувчилар, рассом-дизайнер ва модельерлар билан учрашувлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

С. МУҚИМОВ.
Р. ГАЛИЕВ олган сурат.

Қутқарилган бармоқлар

Яқинда Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармасининг навбатчилик хизматига Республика Травматология илмий-тадқиқот институти навбатчи шифокори Э. Шукуров қўнғироқ қилди. Шифокорнинг хабар беришича, Шайхонтоҳур тумани Оҳакчи маҳалласида яшовчи 1,5 ёшли қизалоқ ота-онанинг эҳтиётсизлиги сабаб ишлаб турган электр гўшт қиймалагичга қўлини тиқиб олади ва қаттиқ жароҳат олади. Қизалоқнинг бармоқларсиз қолиш ва бир умр мажруҳ бўлиб қолиши хавфи туғилади. Беморнинг аҳволини кўрган шифокор зудлик билан "Қутқарув хизмати"га қўнғироқ қилади. Ўз вақтида етиб келган қутқарувчилар қиймалагични махсус асбоблар ёрдамида кесиб, қизалоқнинг нозик бармоқларини "темир қафас"дан қутқаришади. Шифокор ва қутқарувчиларнинг масъулияти сабаб хавфнинг олди олинди. Қизалоқнинг қутқарилган бармоқчалари тез кунда шифо топиб кетади.

Азамат СУЮНОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН
ЛИНОЛЕУМЛАРНИ
ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.
Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.
Телефон 134-48-11.
Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.
Товар сертификатланган

Ҳурматли юртдошлар!
Давлат акциядорлик тижорат «АСАКА» банки
Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА – замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади!

«АСАКА» БАНКИНИНГ ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ - БУ:

- Маҳсулот ва хизматлар учун тўлаш қулай бўлган самарали восита.
- Автокредитларга тез ва осон пул тўлаш.
- Ҳар ойда даромад тўлаш йиллик 16%.
- Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.
- Харажатларингизни сарҳисоб қилиш жуда осон ва қулай.
- Барча турдаги карточкаларда суғурта қилиш кўзда тутилган.



БУНДАН ТАШҚАРИ, «АСАКА» БАНКИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАРНИ МИЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Миллий валютадаги омонатлар

6 ойдан 1 йилгача	24% йиллик
1 йилдан 3 йилгача	23% йиллик
3 йилдан 5 йилгача	24% йиллик
"Юбилейный" (камида 6 ой)	22% йиллик
"Орзу" (камида 3 ой)	24% йиллик
"Наврўз" (2 ойга)	24% йиллик
"Табассум" (45 кунга)	24% йиллик
"Мадад" (1 йилга)	22% йиллик
"Умид" (камида 3 ой)	25% йиллик
"Тақдим этувчига" (камида 3 ой)	23% йиллик

Хорижий валютадаги омонатлар

1 йилгача	3% йиллик
1 йилдан юқори 1000 АҚШ долл. дан 5000 АҚШ долл. гача	4% йиллик
5000 АҚШ долл. дан юқори	4,5% йиллик

Шунингдек, «Асака» банки қимматбаҳо буюмларни сақлаш учун депозит қутичаларини ижарага беради.

Маълумот учун телефонлар: 120-84-08, 57-85-15, 120-83-14

БАНККА ҚЎЙИЛГАН ОМОНАТЛАР ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН ҚОНУНЧИЛИККА МУВОФИҚ КАФОЛАТЛАНАДИ.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Дори воситалари ва тиббий техника сифатини назорат қилиш Бош бошқармаси жамоаси илмий ходим, химия фанлари номзоди
Турдимат ОТАБЕКОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА жамоаси агентликнинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Тошқул Бекназаровга акаси
Аҳмад БЕКНАЗАРОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ДА «Ўзуйжойжамғармабанк» жамоаси банкнинг Мирзо Улуғбек филиали бошқарувчиси ўринбосари
Иброҳим Шавкатович АМИНОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон — Россия «Ўзросдизел» қўшма корхонаси ва Россия «Техмашимпэкс» МЧЖнинг Ўзбекистондаги вакилатхонаси жамоалари собиқ маслаҳатчи
Ҳаким Эшбоевич БЕРДИЕВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг техник муҳаррири Сурайё Турсуновага падари бузруквори
САЙФУЛЛА ҳожи отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар адвокатлар ҳайъати раёсати Юнусобод тумани 1-сонли ҳуқуқий маслаҳатхонаси адвокати
Мамлакат Абдуллаевна ТОЙЖОНОВанинг
вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 261. 32634 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 21.10 12345